

# КОИСА «Ўзкимёсаноат» АЖ билан ҳамкорликда Кореянинг нуфузли олийгоҳида грант асосида таълим олиш учун танловлар эълон қилади

// 20.09.2024

<https://www.uzkimyosanoat.uz/uz/press/news/koica-uzkimyosanoat-azh-bilan-hamkorlikda-koreyaning-nufuzli>



Корея халқаро ҳамкорлик агентлиги (КОИСА) «Ўзкимёсаноат» АЖ билан ҳамкорликдаги қўшма лойиҳа доирасида Кореянинг нуфузли олийгоҳида кимё соҳасида магистратура (2 та ўрин) ва докторлик (Phd, 6 та ўрин) йўналишларида грант асосида барча ҳаражатлар қопланган ҳолда таълим олиш учун танловлар эълон қилади!

Ўқишни муваффақиятли тамомлаганлар янги ташкил этиладиган Корея-Ўзбекистон илмий-тадқиқот ва лойиҳа институти – Кимё технология инновация марказида ўз фаолиятларини давом эттириш имкониятига эга бўлишади!

Ҳужжатлар 2024 йил 18-октабргача қабул қилинади.

Қўшимча маълумотлар олиш учун қуйидаги телефон рақамига мурожаат этишингиз ва ҳужжатларни онлайн тарзда юбориш учун қуйидаги ҳаволага ўтишингиз мумкин:

<https://admission.ust.ac.kr/>

Телефон: (+998) 90 003-55-22

Электрон манзил: [empark@krikt.re.kr](mailto:empark@krikt.re.kr), [u.tillabaeva@uks.uz](mailto:u.tillabaeva@uks.uz)